



Ислом Нури

«Аллоҳ таоло мусулмонларнинг айбларини ёпишни яхши кўради ва шундай қилишга буюради. Шунинг учун жосуслик қилиб юришни ҳаром қилди ва ундан қайтарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким дунёда бир банданинг айбини яширса, охиратда Аллоҳ унинг айбини яширади» дедилар, мусулмонларнинг айбу камчиликларини қидириб, махфиёна қилаётган ишларини текшириб юришдан қайтарганлар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга кўтарилиб, баланд овозда шундай дедилар: «Эй тили билан мусулмон бўлган, бироқ қалбларига иймон кириб бормаган кишилар, сизлар мусулмонларга озор берманглар, уларни айбламанглар, камчиликларини қидириб юрманглар! Ким мусулмон биродарининг айбини қидирса Аллоҳ унинг айбини текширади. Аллоҳ кимнинг айбини текширса уни – уйининг энг ичкарасида бўлса-да – шарманда қилади».

Шарҳ:

Аллоҳ таоло мусулмонларнинг айбларини ёпишни яхши кўради ва шундай қилишга буюради. Шунинг учун жосуслик қилиб юришни ҳаром қилди ва ундан қайтарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким дунёда бир банданинг айбини яширса, охиратда Аллоҳ унинг айбини яширади» дедилар, мусулмонларнинг айбу камчиликларини қидириб, махфиёна қилаётган ишларини текшириб юришдан қайтарганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Мусулмоннинг айбини беркитишнинг фазилатли экани ва бу нарса қиёмат куни Аллоҳ таоло яширганнинг айбини яширишига



сабаб бўлиши;

2. Мусулмонларнинг камчиликларини текшириб, жосуслик қилиб юришнинг ҳаромлиги;
3. Бундай жирканч иш билан шуғулланган кимсаларни Аллоҳ таоло кўчада бўлсин, уйда бўлсин шарманда қилиб, яширин ишларини одамлар кўзига кўрсатиб қўяди.